



Тадбир

ЗАБАРДАСТ МУСАВВИР



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби, профессор Малик Набиев таваллудиниг 100 йиллигига бағиш-

ланган “Забардаст мусаввир” деб номланган китоб-расми кургазма очилди. Унда мусаввирнинг ҳаёти ва ижоди билан таништирувчи китоблар, унинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи даврий матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолалар ва унинг мўйқаламига мансуб асарларининг фото-

суратлари жой олган.

М. Набиев 1916 йилда Тошкентда тугилган. П. Беньков-номидаги Республика рассомлик билим юртида ўқитувчилик фаолиятини бошлаган. 1958 йилдан умрининг охирига қадар Низомий номидаги педагогика инсти-



тутида ёшларга тасвирий санъатнинг сир-асрорларидан сабоқ берди. Буюк тарихий шахслар, фидоий замондошлар акс эттирилган асарлар яратди. “Абу Райҳон Беруний”, “Амир Темури”, “Бобур”, “Қамолиддин Беҳзод” ва бошқа қатор портретлар, рисолалар ва услубий қўлланмалар муаллифи.

“Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.